ТОШКЕНТ. Республика Давлат санъат музейида Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков асарлари кўргазмаси очилди. Мўйқалам устасининг юзга яқин қаламтасвир, рангтасвир асарлари Польша, Ҳиндистон, Арабистон табиати ва одамлари

ХОРИЖЛИКЛАР НАЗАРИГА ТУШДИ

Сара уруғ-ҳосил бўлуғ.

ҳаётига бағишланган. Боиси, рассом асарларида жаҳон санъат усталари Пикассо, Гуттузоларга хос услуб мужассам. Санъаткорнинг асарларига хорижлик мухлисларнинг кўпроқ эътибор қилишаётгани ҳам шундан.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

ФАРҒОНА. Бешариқ тумани ҳокимлиги "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказини ташкил этиб, замонавий видео, компьютер каби техника воситалари билан жиҳозлади. Марказда 60 кишига мўлжал-

ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

ланган ўқув зали, алоҳида кутубхона бор. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилган ютуқларга бағишланган кўргазма ҳам кўпчиликка маъқул келмоқда.

Мухторжон АКБАРОВ.

ЙИЛФИКУН

5 воқеалар, янгиликлар, хабарлар, ашиқлар, фактлар

ЖИЗЗАХ. Зомин тумани марказида ёш ижодкорлар мактаби иш бошлади. Туман тарихини ўрганиш жамоатчилик маркази ва халқ таълими бўлими ташқил этган бу маскан ёшларни ижодга чорлашда, қоби-

ИЖОДКОРЛАР МАКТАБИ

лиятли қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирча ўзига хос синовларда саралланган 12 нафар йигит-қизга йўлланма берилди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

Хуш келибсиз, азиз меҳмон.

ХОРАЗМ. Хива агробизнес коллежи ташкил топганига кўп йиллар бўлди. Ҳисоб-китобларга қараганда бугунги кунда шу билим масканида таълим олган 40 минг нафар мутахассис ўз устозлари ишончини оқлашаётган экан.

КИРК МИНГ ШОГИРД

Ўқув даргоҳининг ўзига хос тўйида унинг собиқ талабалари ҳозир бўлишди. Улар орасида меҳнат қаҳрамонлари, уста пахтакорлар ҳам бор эди.

Рўзимбой ҲАСАН.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 5 апрель, шанба № 41 (22.125).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗ ШИФОХОНАЛАРИ БОР

НУКУС. *Муйноқ туманида экологик ва ижтимоий-иқтисодий шароитни яхшилаш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Хусусан, Шегей қўрғонида бир йўла 30 беморга тиббий хизмат кўрсатадиган шифохона фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу ҳудудда замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган туғуруқхона, жарроҳлик, юқумлик касалликлар бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.*

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***29 май куни Синтре шаҳрида Шимолий Атлантика кенгашининг Мадриддаги саммитидан олдинги сўнгги мажлиси ўтказиладиган бўлди.***

* * *

☑ ***Сальвадорда юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли атроф-муҳитга кўплаб химиявий моддалар тарқалиб кетганлиги сабабли 500 дан зиёд киши заҳарланди.***

* * *

☑ ***Жамоатчилик фикрини суриштириш натижаларига кўра парламент сайловларига бир ой муддат қолганда оммавийлик жиҳатдан Буюк Британия Консерваторлар партияси Лейбористлар партиясидан 21-26 фоизга орқада қолмоқда.***

* * *

☑ ***Албания Бош вазири Башким Фино Греция Бош вазири Костас Симитис билан музокаралар олиб борди.***

* * *

☑ ***Италия Бош вазири Романо Проди Албанияга қисқа муддатли ташриф буюрди.***

* * *

☑ ***Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг огоҳлантиришича, Шимолий Кореяни очлик ўз гирдобига олади.***

* * *

☑ ***Россиядаги солдат оналари қўмитаси вакилларининг айтишига қараганда, Давлат Думасининг Чеченистон жанжаллари қатнашчиларини авф этиш ҳақидаги қарори амалга ошмаяпти.***

* * *

☑ ***Словакия Бош вазири Владимир Мечьяр икки мамлакат муносабатларидаги айрим муаммолар туфайли ўзининг Чехияга сафарини қолдирди.***

* * *

☑ ***Чеченистонлик минг нафар мусулмон Саудия Арабистони қироли ҳисобидан Маккага ҳаж қилиш имкониятига эга бўлди.***

* * *

☑ ***Эндиликда Исроил кўчаларини ифлослантириш учун 50 минг шекел жарима солинадиган бўлди. Бу 15 минг АҚШ долларига тенг.***

* * *

☑ ***Борис Ельцин билан Александр Лукашенко Россия Федерацияси ва Белорусь Республикаси ўртасида икки мамлакат иттифоқининг низомини тўлдириш ва уни қабул қилишда бир-бирини тушуниш ҳақидаги ҳужжатни имзолашди.***

ЭЛЛАДА ЗАМИНИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 март — 2 апрель кунлари давлат ташрифи билан Греция Республикасида бўлди.

Биз Грециянн яхши биламиз. Дунё, хусусан, Ғарбий Европа тарихини Эллада маданияти ва санъати, қадимги дунё адабиётини эллинлар хаёлоти парвозидан айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Ғайри дунё эса ҳамиша жозибадор бўлган, шу боис биз Эллада ҳақида кўп нарса билишга интилганмиз ва интиляпмиз. Зотан, Европа ва Осиё кишилари дунёқарашидаги икки қутбни айнан Эллада — қадимги Греция маданиятида кўриш мумкин. Осиёда барча интилишлар ва ҳиссиётлар ботиний бўлса, Грециянда зоҳирий, яъни улар ташқи гўзалликларга ошуфта эдилар. Қадимги грекларнинг худоси ҳам сизу бизга хос бўлган барча инсоний хислатларга эга одамлар сифатида тасвирлангани бежиз бўлмаса керак. Шарқ файласуфлари «қадимги Греция овози билан гапириб юборган европалик»ларнинг ғоят амалиётчи бўлганини бевосита ушбу тарихий омил билан боғлайдилар.

Мана шундай кўҳна тарих ва бой маданиятга эга Греция билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар ибтидоси ҳам аслида жуда қадимга бориб тақалади. Жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллаган Греция бугунги кунда Европа Иттифоқи, Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлиги, НАТО каби ташкилотларнинг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Қолаверса, Греция Болқондаги барқарор давлатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Европа давлатлари билан иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, Европа Иттифоқи, шу орқали жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув йўлидан борар экан, бунда албатта, мамлакатимизнинг Греция билан самарали ҳамкорлик қилиши муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу давлатга ташрифи аввало, ана шу мақсадларга қаратилган эди.

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Греция Президенти К. Стефанопулос билан учрашуви.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўз навбатида Греция ҳам Марказий Осиёда қулай жўғрофий маконга эга, сиёсий ва иқтисодий барқарор давлат бўлмиш Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантиришдан ҳар томонлама манфаатдор. Греция Президенти Константинос Стефанопулос шу маънода мамлакатимиз раҳбарининг ташрифи ўз аҳамияти жиҳатидан беқиёс эканини айтди. Ҳар икки мамлакат раҳбарларининг Афинадаги Президент саройида бўлиб ўтган суҳбати чоғида Ўзбекистон — Греция алоқаларини янги ривожланиш босқичига кўтариш масалалари муҳокама этилди.

— Бугун қадим тарихий алоқаларга эга давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни самарали тус олдириш учун имконият туғилди, — деди Президент Константинос Стефанопулос. — Ўзбекистоннинг минтақадаги қулай вазияти, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда эришаётган ютуқлари ва ниҳоят барқарорлиги грек ишбилармонлари учун бу мамлакатда самарали ишлаш имкониятини яратади. Бизнинг Ўзбекистон билан ўрнатган алоқаларимиз Ғарб ва Шарқни бирлаштирувчи кўприк бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Президент Ислом Каримов Грециянинг Болқон минтақаси ва жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи тобора ошиб бораётганини қайд этар экан, мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама алоқаларни ривож топтиришдан ташқари, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳам ҳар икки томон манфаатига тўла мос тушишини таъкидлади. Мамлакатларимизнинг иқтисодий ва маданий соҳалардаги алоқаларини равнақ топтириш борасида ҳали ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд, деди Ўзбекистон раҳбари.

Дарҳақиқат, Грециянда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, электротехника, озиқ-овқат ва енгил саноат, сайёҳлик инфраструктураси яхши ривожланган. Бундан ташқари, Греция Европадаги энг йирик бандаргоҳ ва дунёдаги энг улкан савдо флотларидан бирига эга. Мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида Грециянинг илғор технологияларидан фойдаланиш, жумладан, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида қўшма корхоналар барпо этиш ғоят аҳамиятлидир. Биргина сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик кўламига назар ташлаш орқали ҳали фойдаланилмаган имкониятлар даражасини кўриш мумкин. Маълумки,

(Давоми 2-бетда).

КИНОАНЖУМАНГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

4 апрель куни ўн иккинчи Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ташкилий қўмита аъзолари, тегишли вазирлик, идора ва ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари иштирок этди. Мажлисни республика Бош вазирининг ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раисининг ўринбосари А. Азизхўжаев бошқарди.

Мажлисда мазкур халқаро кинофестивалга тайёргарлик ишларининг бориши ҳақидаги масала муҳокама этилди. «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси раиси, Тошкент халқаро кинофестивали бош директори Т. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари У. Исмоилов, Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари И. Рашидовнинг шу ҳақдаги ахборотлари тингланди.

Мажлисда ҳозиргача кўплаб давлат ва халқаро ташкилотлар анжуманда иштирок этиш истагини билдиргани қайд этилди. Таниқли адиб Чингиз Айтматов халқаро кинофестиваль ҳайъатига раҳбарлик қиладиган бўлди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги пойтахтдаги фестиваль фильмлари намойиш этиладиган кинотеатрлар биносини таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бажаришга киришди. Самарқандда ҳам бу тадбирга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Мазкур халқаро кинофестивалнинг асосий мақсади, деб таъкидланди мажлисда, ўзбек киносанъатини дунёга танитиш халқимизни жаҳон киноусталари яратган дурдона асарлари билан таништиришдан иборатдир. Шундай экан, фестиваль ўтказиладиган жойларни зарур анжомлар, асбоб-ускуналар билан таъминлашга эътиборни янада кучайтириш зарур. Бу борада мутасадди ташкилот, идора ва уюшмалар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов қатнашди.

(ЎзА).

Иқтисодиёт олами

ЯНГИ ПОЙАБЗАЛ ЦЕХИ

УРГАНЧ. *Тумандаги «Карим» ферма хўжалиги қўптармоқли. Бу хўжаликда чорвачилик ва деҳқончилик қатори халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ҳам аҳамият берилмоқда. Жумладан, нафақахўр Карим Жабборов етиштирган маҳсулотлардан топган даромади ҳисобига оёқ кийимлари тайёрлаш цехини очди. Қўли гул усталар тайёрлаётган пойабзаллар ҳамқишлоқларга маъқул бўлмоқда. Қизиги шундаки, хом ашё ҳам шу хўжаликнинг ўзидан чиқмоқда.*

Рўзимбой ҲАСАН.

ХАЙРЛИ ТАШВИШЛАР

НАВОИЙ. *Вилоят қоракўлчилик кенгликларида қўзичоқларнинг маъраши атрофни тутмоқда. Албатта, қўйлар бекорга маърамайди. Ё оч, ё бўлмаса қўзиласа «овоза» қилади.*

Мавжуд 511 минг бош қўйнинг тенг ярми қўзилаб бўлди. 150 мингдан зиёди ўстиришга қолдирилди. Бу борада Конимех, Нурота, Учқудуқ чорвадорлари ибрат кўрсатишмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

Ҳуқуқий демократик давлат сари

СОХТА МАЪЛУМОТ ЁЗГАНЛАР ЁКИ...

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонуни бажарилишини тўлиқ таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик Кодексининг 43-моддасида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш таъкидлаб ўтилган.

Шунингдек туҳмат, ҳақорат руҳида ёхуд миллий адоват қўзғатишга ҳамда жиноий тарзда жазоланадиган бошқа хатти-ҳаракатлар содир этишга даъват қилувчи шикоятлар ёзган шахслар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилишлари, шунингдек, атайин сохта маълумотлар баён қилинган мурожаатларни текширишга кеттан харажатлар суд қарори билан муаллифдан ундирилиши қонунда белгиланган.

Бу эса фуқаролар томонидан айрим ноқонуний ариза ва шикоятлар ёзилишига чек қояди.

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида яшовчи фуқаролар Т. Холматов ва Д. Қурбоновлар «Денов» деҳқончилик саноати фирмаси ва вилоят агросаноат уюшмаси раҳбарларининг шаънига тегадиган сохта маълумотлар ёзганлари учун, ушбу шикоятни текширишга кеттан 2919 сум туман прокуроринг даъво аризасига асосан суднинг 1996 йил 22 июль кунги қарори билан шикоятчилардан ундириб олинган. Ёки Қашқадарё вилоятининг Косон туманида яшовчи фуқаролар Ш. Қузиев, Э. Ганжиев ва Х. Уриновларнинг «Хужақулов» номли жамоа ширкат раҳбариятининг ноқонуний фаолияти тўғрисида берган маълумотлари текширилганда, ўз тасдиғини топмагани учун, текширишга кеттан 11208 сум туман прокуроринг даъво аризасига асосан суднинг қарори билан шикоятчилардан хўжалик фойдасига ундирилди.

Жойлардаги мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг мурожаатларига эътиборсизлик билан қаралиши, аризаларда кўрсатиб ўтилган важларни тўлиқ ва атрофлича текширмай, кўпчилик ҳолларда мутлақо текширмасликлари, ариза муаллифига жавоб ҳам йўлламасликлари натижасида, уларнинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан республика Прокуратурасига мурожаат қилганларидан сунг ўтказилган текширишларда ўз тасдиғини топмоқда.

Жумладан: Денов туманида яшовчи фуқаролар Х. Рустамов ва бошқалар, улар меҳнат қилаётган «Тожикистон» жамоа хўжалиги раиси Ж. Кенжаев жамоа мулкини талон-торож қилаётгани ҳақида туман ва вилоят раҳбарларига мурожаат қилиб қониқарли жавоб олмаганларидан сунг республика Прокуратурасига ва юқори ташкилот номига ёзган аризалари қайта текширилганда Х. Рустамов ва бошқаларнинг аризаларида келтирилган важлар тасдиғини топибди. Жамоа хўжалик раҳбарлари Кенжаев, Алиев, Ҳамидов ва Турсуновлар вазифасидан бўшатилган ва бу ҳақда прокурор томонидан туман ҳокими ва вилоят деҳқончилик саноат уюшмаси раисининг номига тақдимнома, вилоят ҳокимига ахборотнома киритилган.

Ёки Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани автокорхонасининг бир гуруҳ ходимлари ушбу корхона директори М. Мадмусаев, бош ҳисобчи Р. Аскаров ва бош муҳандис А. Жўрабоевлар уларининг ғайриқонуний ҳаракатлари билан давлатга зарар келтираётганликлари тўғрисида автокорхона раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилганлар. Шунга қарамай, улар бунга совуққонлик билан қараб у хатни оқибатсиз қолдирганлар.

Шундан сунг автокорхона ишчилари республика Прокуратурасига мурожаат қилганлар.

Прокуратура томонидан ўтказилган текширишларда автокорхона ишчиларининг хатларида кўрсатилган важлари ўз тасдиғини топди. Корхона раҳбарларига нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Айрим туман ҳокимлари ўзлари қабул қилган қарорларининг ижросини таъминламаётганликлари сабабли ҳам юқори идораларга ва прокуратура органларига тушган аризалар сони кўпаймоқда.

Сурхондарё вилоят Мўзработ туман ҳокими 1994 йил 2 июнь куни «Туркистон» жамоа хўжалигида ташкил топган «Омад» деҳқон хўжалигига ер ажратиб бериш ҳақида қарор қабул қилган. Афсуски, бу қарорнинг ижроси 2 йил давомида таъминланмаган. Натижада хўжаликка 1751480 сум зарар етказилган. Бу зарар туман прокуроринг даъво аризасига асосан суд қарори билан жамоа хўжалиги ҳисобидан «Омад» деҳқон хўжалиги фойдасига ундириб берилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек прокуратура идораларида ҳал қилинган ва қаноатлантирилган аризаларнинг аксарияти умумий назорат масалаларига доирдир. Жумладан, фуқаро А. Ҳасанов Андижон вилоят Избоскан тумани прокуратурасига, уни ип-йигирув фабрикаси директори М. Тошматовнинг ғайриқонуний буйруғи билан бўшатилгани ҳақида мурожаат қилган. Ушбу ариза прокуратура томонидан текширилганда ўз тасдиғини топди. Уни буш юрган кунлари учун, фабрика томонидан 996 сум туланиб, корхонага келтирилган зарар эса фабрика директори М. Тошматовдан ундириш ҳақида прокурорнинг даъво аризаси судга юборилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳам қонунга зид ҳаракатлар содир этилаётганлиги таажжубли ҳолдир.

Фуқаро М. Тухтасинова Андижон вилоят Улуғнор туман прокуратурасига ўғлининг жиноят иши юзасидан унинг уйида милиция ходими А. Турғунов тинтув ўтказиб, келинига тегишли бўлган бир дона тилла занжирини олиб, тегишли ҳужжат билан расмийлаштирмай ўзлаштириб юборгани ҳақида мурожаат қилган. Текширишдавомида М. Тухтасинованинг аризаси ўз тасдиғини топиб, тилла занжир эгасига қайтарилди. Милиция ходими А. Турғуновнинг ғайриқонуний ҳаракатлари учун қонуний чора кўриш ҳақида туман прокурори томонидан вилоят ички ишлар бошқармасига тақдимнома киритилди.

Ёки, фуқаро Н. Мурсалимова Андижон вилоят прокуратурасига мурожаат қилиб, жазо утаётган ўғли Наил билан дийдор кўришгани борганда, муассаса маъмурияти белгиланган муддатдан кам вақт берганлиги ҳақидаги аризаси текширилди. Ҳақиқатда маъмурият томонидан қонун бузилгани аниқланди. Прокурор томонидан амирнома киритилиб, Н. Мурсалимовага ўғли билан қўшимча учрашиш имконияти яратилди.

Олим МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Фуқароларни қабул қилиш ва аризаларни кўриб чиқиш бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.

ЭЛЛАДА ЗАМИНИДАГИ УЧРАШУВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Грецияга ҳар йили қарийб мамлакат аҳолиси сонига тенг — 10 миллионга яқин сайёҳ ташриф буюради ва табиийки, мамлакатда уларга хизмат кўрсатиш борасида улкан тажриба тўпланган. Ўтган йили Греция сайёҳликдан 4,1 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад кўрган. Шубҳасиз, Самарқанд, Бухоро ва Хевадаги тарихий ёдгорликларга янада кўпроқ сайёҳларни жалб этиш орқали Ўзбекистонда бу соҳани ривожлантириш имконияти катта. Шу маънода, Греция билан сайёҳлик инфраструктурасини яратиш, мазкур соҳа мутахассисларини тайёрлаш борасида ҳамкорлик қилиш истиқболи порлоқдир.

Ўзбекистон раҳбарининг Греция Президенти, сўнг мамлакат Бош вазири Константин Симитис билан бўлган музокаралари чоғида ана шу ҳамкорлик масалалари кенг муҳокама этилди. Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Константин Симитис музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Греция Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Ушбу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар асоси ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворини яратди. Ташриф давомида Греция жамоатчилиги ва матбуоти ҳам мазкур шартноманинг нечоғли муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон билан Греция ўртасида мулк ва фойдадан икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисидаги конвенция, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, иқтисодий ва технологик ҳамкорлик, маориф, фан ва маданият, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар, шунингдек, ҳар икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги протокол имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон ва Греция ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари А. Комилов ва Т. Пангалос имзолади.

Маросимдан кейин бўлиб ўтган матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов икки мамлакат халқлари алоқалари Марказий Осиёда барпо этилган Бақтрия давлати давридан бошланишини таъкидлади. «Грециядаги фуқаролар уруши пайтида ўнг минглаб греклар Ўзбекистондан бошпана топди. Айни пайтда ҳам юртимизда 10 минг нафарга яқин грек яшайди. Буларнинг бари халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим омил сифатида хизмат қилади», деди жумладан Ислом Каримов. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари ўтказилган музокараларда икки томонлама, минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама этилгани ҳамда имзоланган мазкур ҳужжатлар давлатларимиз ўртасидаги ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорликни янги поғонага кўтаришини таъкидлади.

Греция Бош вазири К. Симитис Ўзбекистон Президентининг ташрифи икки томонлама алоқалар ривожига янги куч бағишлаганини таъкидлади. Греция Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи муҳим бўғин бўлиб қолишни истар экан, биз Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш тарафдоримиз, деди у.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва Греция вазирликлари, муассасалари ўртасида ҳам ўзаро ҳамкорликка оид турли келишувларга эришилди. Жумладан, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Греция Ташқи савдо вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, мамлакатимизнинг мазкур вазирлиги билан Греция денгиз савдо флоти ўртасида ўзаро англашувлар протоколи имзоланди. Шунингдек, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Грециянинг «Амфитрион», «Платинитревел» ҳамда «Лелакис груп» сайёҳлик фирмалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларга қўл қўйилди.

Афинадаги «Элаис» ҳиссадорлик жамияти нафақат Грецияда балки, Ғарбий Европадаги зайтун ва бошқа ўсимлик ёғлари, маргарин ишлаб чиқарадиган энг йирик корхоналардан биридир. 1920 йили қурилган ушбу завод иккинчи жаҳон урушида вайрон этилганидан кейин тез орада қайта тикланиб, мамлакат аҳолисига ўта зарур бўлган зайтун мойи ва маргаринлар етказиб бера бошлади. Урушдан кейин оч-ночор қолган аҳолига витаминларга бой зайтун мойи қанчалик зарур бўлган бўлса, греклар учун ушбу завод ҳам шунчалик қадрли бўлиб қолди. Кейинчалик завод Ғарбий Европанинг трансмиллий компанияси — «Юнилевер Ҳ. Б.» ҳамкорлигида энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Айни пайтда завод акцияларининг 50 фоизи «Юнилевер» қўлида. Маълумки, дунёга машҳур «Юнилевер» 200 турдан зиёд озиқ-овқат ва косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Унинг 85 мамлакатда 500 дан зиёд корхонаси мавжуд. Ҳамюртларимизга ушбу компания «Липтон» чойи, «Рама» маргарини каби маҳсулотлари билан яхши таниш.

Ислом Каримов «Элаис»га ташрифи чоғида унинг замонавий технология билан жиҳозлангани, маҳсулотининг ўта рақобатбардошлилигига алоҳида қизиқиш билдирди. Бу бежиз эмас, чунки Грециянинг рақобатчилари Италия ва Испания ҳам зайтун мойини айнан «Элаис»дан сотиб олади. Умуман, рақобат ҳақида гапирганда грек тадбиркорларининг жуда уддабуронлигини эслаш жоиз. Улар мамлакатдаги етиштириладиган маҳсулотларни ҳатто ярим тайёр ҳолда ҳам бозорга чиқармайди. Грек ҳамкасбларимизнинг айтишича, мамлакат Бош вазири деҳқонлар ва боғбонлар билан учрашганда маҳсулотни бозорга фақат тайёр, чиройли қадоқланган ҳолда чиқаришни талаб қилишдан чарчамайди. Айтишларича, ўз маҳсулоти яна қайсидир бир мамлакатда хом ашё сифатида фойдаланилмаслиги учун «Элаис» зайтун мойини фақат кичик сиғимли идишларда сотади.

Мамлакатимиз Президенти завод раҳбарияти билан суҳбати чоғида Ўзбекистонда «Элаис»нинг савдо дўконини очиш, юртимизда ҳам худди шундай технологияга эга завод қуриш ҳамда витаминларга энг бой зайтун мойи билан пахта ёғи омухтаси асосида янги маҳсулот ишлаб чиқариш борасида фикр билдирди. «Элаис» раҳбарияти бу борада тегишли таклифлар тайёрлашини маълум қилди.

Ислом Каримов Греция Парламенти Раиси Апостолос Какламанис билан ҳам учрашиб, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашди. А. Какламанис Ўзбекистон билан Европа иттифоқи ўртасида имзоланган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим яқин кунларда Греция парламенти томонидан ратификация қилинишини маълум қилди.

Ташриф давомидаги яна бир муҳим учрашув Греция савдо-саноат палатасида бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари грек тадбиркорларига Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, халқаро андозалар даражасидаги кафолатлар ҳақида сўзлаб берди. Учрашувда Ўзбекистон грек тадбиркорлари учун Шарққа дарвоза вазифасини ўташи мумкинлиги таъкидланди. Мамлакатимизнинг қулай жўғрофий макони, иқтисодий салоҳияти ва бой имкониятлари грек тадбиркорларида катта қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимиз раҳбари қадим Афинадаги диққатга сазовор тарихий жойлар, жумладан, эрамиздан аввал қурилган оламга машҳур Акропол мажмуи билан танишди. Ушбу тарихий ёдгорлик ҳақида батафсил гапиришга ҳожат бўлмаса керак, албатта. Зеро, Эллада тимсолига айланган Акропол тарихи ва тасвири замонавий битиклар ва тарих дарсликлари орқали бизга яхши таниш. Шунингдек, Ислом Каримов Афина марказидаги номаълум аскар қабрига гул қўйди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Болқондаги ушбу нуфузли мамлакатга илк ташрифи Ўзбекистон билан Греция ўртасидаги иқтисодий, маданий ва бошқа кўплаб соҳалардаги ҳамкорликка ҳуқуқий асос солгани билан аҳамиятлидир. Ўтказилган музокаралар ва имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат халқлари манфаати учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Муҳаммад ШАРИФ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Афина — Тошкент.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«БОЗОРДАН БАРАКА ҚОЧГАНДА»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 22 март)

Газетада, чоп этилган мазкур сарлавҳали танқидий мақола Андижон вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М. Юсупов раислигида тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди. Муҳокамада мақолада келтирилган Қорасув бозоридаги фактлар асосан тасдиқланди.

Йиғилиш қабул қилган қарорда вилоятнинг Қирғизистон Республикаси билан чегарадош бўлган ҳудудларида давлат автоназорати ва божхона хизмати постларида назоратни қатъий тартибга солиш, четга ноқонуний равишда маҳсулотларни чиқиб кетиш ҳолларига, солиқ органлари томонидан белгиланган тартибда солиқларни ундириш, солиқ органлари ходимлари орасида ўз мансабларини суиистеъмол қилиниши ҳолларига барҳам бериш топширилди.

Қорасув шаҳар ҳокими М. Шерматовга Қорасув бозоридаги тартибсизликларга барҳам бериш, уни обод қилиш чора-тадбирларини белгилаш ва амалга оширишни таъминлаш вазифаси топширилди.

Белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида тўла бажарилиши вилоят ҳокимлиги томонидан назоратга олинади.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари М. ҚАЮМОВ.

«ДАРДИНГ БЎЛСА ҲАМ, ҚАРЗИНГ БЎЛМАСИН»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 1 март)

Ушбу мақола юзасидан атрофлича текшириш ўтказилди ва натижаси бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз.

Мақолада қайд этилган, Қумқўрғон туман электр тармоғи идораси бошлиғи Тоштемир Тўраевнинг «Пахтабанк» бўлимига билдирган эътирозлари ноўрин бўлиб чиқди.

Вилоятдаги барча «Пахтабанк» бўлимлари ва бошқа банклар томонидан ҳисоб рақамларида маблағлари бор бўлган хўжалик субъектларининг электр энергиясидан бўлган дебитор қарзларини ундиришга яқиндан амалий ёрдам берилмоқда. 1997 йилнинг март ойида пахтачилик хўжаликларига берилган мақсадли пул ҳисобидан электр энергиясидан бўлган қарзларни тўлаб, дебитор қарзларни қисқартиришга ёрдам қилинди.

Қўмқўрғон туман электр тармоғи идораси бошлиғи Тоштемир Тўраев газета мухбири ва Қўмқўрғон туман «Пахтабанк» бўлими бошлиғи билан бўлган суҳбатда бир-бирларини тушунмаганликларини тан олиб, ҳақиқатда «Пахтабанк» бўлими томонидан ёрдам қилинаётганлиги ва банк бўлимига ҳеч қандай эътирози йўқлиги тўғрисида тушунтириш хати берди.

Вилоят ҳокими
Ж. НОРАЛИЕВ.

* * *

Ихтисослаштирилган акционер-тижорат «Пахта-банки» рўзномангизнинг шу йил 1 март сонида чоп этилган «Дардинг бўлса ҳам, қарзинг бўлмасин» сарлавҳали мақолани ўрганиб чиқиб қуйидагиларни маълум қилади.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида халқ хўжалик тармоқларида тўловларнинг кескинлашуви, катта миқдорда хўжаликлараро ўзаро қарзларнинг мавжудлиги банк бўлимларида тўловларни амалга оширишда муаммолар келтириб чиқармоқда.

Бунинг асосий сабабларидан бири қишлоқ хўжалик корхоналарининг етиштирган маҳсулотлари учун ўз вақтида маблағ тўланмаслиги, корхона ва ташкилотлар томонидан харидорларнинг тўлов қобилиятини ўрганмай маҳсулот жўнатишлари бўлиб, бунинг оқибатида уларнинг ҳисоб варақаларига узоқ даврлар мобайнида ҳеч қандай маблағ тушмаётир.

Банк амалиётидаги мавжуд қоидаларга мувофиқ мижозлар ҳисоб варақасига тушган маблағларни тўлашнинг календар навбати ўрнатилган.

Бунга асосан биринчи навбатда корхона ва ташкилотларнинг иш ҳақидан қарзлари, иккинчи навбатда бюджет ва унга тенглаштирилган тўловлар, сўнгра мавжуд кредитор қарзларни календар навбати асосида тўлаш рухсат этилгандир.

Бироқ ҳисоб варақларига тушган маблағларнинг етишмовчилиги натижасида қишлоқ хўжалик корхоналари бошқа корхона ва ташкилотлардан бўлган қарзларини тўлай олмаётирлар.

Қумқўрғон туман электр тармоғи идорасининг дебитор қарзларини ундириб бериш чора-тадбирларини кўриш учун Сурхондарё вилояти «Пахта-банки»га тошириқ берилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Президентимизнинг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказиш учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларини бажариш мақсадида «Пахта-банк»нинг барча бўлимларида ҳар бир мижознинг ўзаро қарзларини қисқартириш учун аниқ тадбирлар белгиланиб, дебитор-кредитор қарзларининг ҳолати бўйича мунтазам текширишлар олиб борилмоқда.

«Пахта-банк» бошқаруви раисининг муовини Қ. ТОШМАТОВ.

7 апрель — Жаҳон саломатлик куни

ТИББИЙ ЁРДАМИМИЗ ТЕЗКОР

Жонинг оғриб турса кўзингга жаҳон тор кўринади. Соғ-саломат бўлмас экансан, на ишда унум бор, на ҳаётда маъни. Шу боис, милиция ходимлари саломатлигини тиклаш ва хасталикка чалинган осойишталик посбонларининг дардига малҳам топишида Ички ишлар вазирлиги марказий поликлиникасининг ўзига хос ўрни бор, десак муболаға бўлмайди.

Вазирлик марказий поликлиникасининг бошлиғи, ички хизмат подполковниги Абдулҳай Жуманов билан суҳбатимиз тинчлик-осойишталикни сақлаш мақсадида заҳмат чекиб хизмат қилаётган милиция ходимлари саломатлигини тиклаш учун қайғураётган ушбу жамоанинг бугунги ҳаёти ҳақида бўлди.

— Поликлиника жамоаси ички ишлар ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва фахрийлар саломатлигини тиклаш ҳамда уларнинг турли хил касалликларга йўлиқмаслигининг олдини олиш борасида қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Ҳар йили бир маротаба ички ишлар ходимларининг тиббий кўрикдан ўтказилиши уларнинг хизмат жараёнида касалликка чалинган ёки чалинмаганини аниқлаб беради. Мабодо ходимда бирор бир касаллик аломати сезилгудек бўлса дарҳол биз уни атрофлича текшириб ташхис қуямиз. Шунга кўра дори-дармонлар тавсия қиламиз. Бу эса касалликнинг ўз вақтида олди олиниб ходимнинг иш фаолиятини сусайтирмасдан, айниқса, қимматли вақтини йўқотмасдан ишни давом эттириб кетаверишида катта аҳамиятга эга.

Поликлиникамизни энг сўнгги замонавий даволаш ва ташхис қўйиш тиббий ускуналари билан жиҳозлаётганимиз бунинг ёрқин мисолидир. Албатта, бу жиҳозлар ишимизни бирмунча осонлаштиради. Лекин, мазкур ускуналарни ишлата билиш, улардан унумли фойдаланиш ходимларимиздан ўз устида тинимсиз ишлашни, изланишни талаб этади. Шу боис, биз аввало ходимларимизнинг ўз касб маҳоратларини ва малакасини мунтазам ошириб боришга жиддий эътибор қаратяпмиз.

— Демак, сизларда ташхисга кўпроқ эътибор қаратилар эканда?!..

— Нафақат ташхисга, балки мижозни даволашга ҳам жиддий эътибор қиламиз. Лекин, ҳамма гап ташхисда. Чунки касалнинг қандай хасталикка чалингани аниқ бўлса, унинг соғайиши осон кечади. Қолаверса, ходимлар орасида ўзимизнинг поликлиникага боргандим, икки-уч қатнасам ҳам натижа бўлмаяпти, пуллик бўлсаям бошқа поликлиникага борсам бўларкан деган фикр пайдо бўлмайди.

Шунингдек, янги тиббий жиҳозлар саломатликни тиклаш яъни даволанишни тезлатишда ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Айниқса, лазер нурлари ёрдамида беморга шифо бериш беморнинг дарддан холис бўлишини бирмунча тезлатмоқда. Хуллас, юқорида айтганимдек, замонавий ускуналарнинг ўрнатилиши ишимизни анча яхшилашимизда жуда қўл келмоқда.

— Ҳар бир жамоанинг муваффақияти ва ютуқлари унинг мутахассислари қўлида. Сиз етакчилик қилаётган саломатлик посбонлари орасида ҳам ўз касбининг фидойилари кўп бўлса керак?!

— Очиғини айтганда, милиция ходимлари ўз зиммаларига юклатилган масъулиятли вазифани кўнгилдагидек уддалашаётир. Буни бутун республикамиздаги осойишталикдан билса бўлади.

Посбонларимиз хасталик туфайли бизга мурожаат қилар экан, малакали шифокорларимиз Л. Семенчина, Т. Решенкова, Д. Ҳамидова, И. Обшатко, Т. Алимбекова, Н. Карпиналарнинг қимматли маслаҳатидан, ширинсухан ҳамшираларимиз М. Мақсудова, К. Аъзамова ва Г. Уханкиналарнинг хушмуомалаю муолажасидан дардига шифо топиб кўнгли тоғдай кўтарилиб кетишига шубҳам йўқ. Негаки, булар ва яна бир қатор ходимларимиз бизнинг ишонган таянчимиз. Шу боис ҳам уларни барча бирдек ҳурмат қилишади, севиб ардоқлашади.

Суҳбатдош: Шуҳрат РЎЗИЕВ,
журналист, милиция катта лейтенанти.

ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

Партия ахбороти

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Игамбердиев «Ўзбекистон ХДП вилоят ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XVII пленуми якунларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Пленум кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум ишида Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Г. М. Маърупова иштирок этди.

* * *

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XVII пленуми якунларидан вилоятлар партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари Навоий, Сирдарё вилоят кенгашларининг пленумларида кўриб чиқилди. Пленумлар ишида тегишли вилоят партия кенгашларининг биринчи котиблари — Даврон Воҳидов, Тоштемир Исмоилов маъруза қилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Пленумлар ишида Сирдарё вилоят ҳокимининг ўринбосарлари И. Қурбонов, Ф. Қутбиддинов, Навоий вилоят ҳокимининг ўринбосари Л. П. Юрикова иштирок этдилар.

Ўз мухбирларимиз хабарлари асосида.

ТЎЙ МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

Республикамиздаги отахон газеталардан бири «Правда Востока» рўзномаси 80 ёшга тўлди. Бу газета ўн еттинчи йилги инқилобдан илгари бунёдга келган эди. Ўшандан бери халқимизга кундалик воқеалар ҳақида хабар бериб турди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, газетанинг иккинчи умри бошланди. Рўзнома Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёни, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари ва бошқа кўплаб мавзуларни дадил кўтариб чиқмоқда.

«Правда Востока» газетаси бугунги кунда ҳам ғайрат-шижоат билан ёрқин ва мазмунли мақолалар билан жамиятимизга муносиб хизмат қиляпти.

Газетанинг донги чиққан журналистларидан Серафим Мельников, Иван Ласкало, Виктор Кириленко, Иван Костиков сингари ажойиб қаламкашларини ҳамон кўпчилик эслайди. Бугун эса бу таҳририятда янгича тафаккурдаги ёш ижодкорлар устозлари йўлини давом эттиришмоқда.

Суратда: «Правда Востока» газетасини босиб чиқарувчи «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни муҳандиси Соломон Могилевский ва газета цехи бошлиғи Моҳуббат Асланов.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ЗАРАР СОЯСИДАГИ «ФОЙДА»

Емхўр от тўрва тешар, дейди халқимиз. Тешик тўрвада ҳеч нарса турмайди — ем-сув ҳам, олтин-хазина ҳам.

Қашқадарё вилояти Ғузор тумани «Наврўз» жамоа-ширкат хўжалигидаги аҳвол таҳлили хўжалик «тўрва»си тешилиб қолганидан далолат беради. Бу «тўрва»да бир мири ҳам йўқ. Тешик тўрва — тешик-да. Унга тушаётган меҳнаткашларнинг пули бесамар йўқолмоқда.

Хўжаликда ўтган йили пахта етиштириш режаси зўрга бажарилди. Бироқ, асосий ҳосил 4-, 5-навларга топширилди. Фойда зарарнинг соясида кўринмай қолди. Натижада, 1996 йил 13 миллион 680 минг сўм зарар билан якунланди. Хўжалик давлатга жами 38 миллион сўм зарар келтириб турибди. Хўш, хўжалик қандай қилиб шундай аҳволга тушиб қолди?

Ўтган йили қўшни А. Турсунов номидаги жамоа ширкат хўжалигида ҳар гектар ердан ўртача 30 центнердан ошириб ғалла олинди. «Наврўз»да эса гектаридан 5-10-15 центнердан ғалла ҳосили олинди, холос. Бир хил шароитда икки хўжаликда икки хил натижага эришишнинг сабаби раҳбар ва мутахассисларнинг ишни оқилона ташкил эта олмаганликлари натижаси эмасми!

Бу хил хатолар жорий йилда ҳам давом этмоқда. Гарчи «қоғоз»да шудгорлаш тамомланган бўлса-да, ҳали пахта ва бошқа экин экиладиган майдоннинг маълум қисми ҳайдалмасдан турибди. Масалан, 2-агроучасткада ижарачилар Ш. Усмонов, Х. Ҳақбердиев, Й. Хуррамов, Б. Ғоиповларга тегишли 80 гектар, 1-агроучасткада ижарачилар М. Жовлиева, Н. Тожиев, Ҳ. Жовлиевларга тегишли 15 гектар ер ҳали ҳам ҳайдалмаган.

ТЕШИК ТЎРВА

Фельетон

ЭГРИ ҚЎЛ

«Наврўз» жамоа-ширкат хўжалиги раиси Искандар Бўриев ва ғаллачилик ижарачиси Н. Худойбердиев ўртасида 1997 йилда ғалла (лалми) етиштириш бўйича 1996 йилнинг сентябрь ойида шартнома тузилган. Шартномада кўрсатилишича, ижарачи 147 гектар майдонга лалми ғалла экиши, гектаридан 12 центнердан ҳосил етиштириб, жами 176,4 тонна дон йиғиштириб олиши ҳамда ҳосилни тўлигича хўжаликка топшириши лозим. Бироқ...

Ижарачи Н. Худойбердиев томонидан бир гектар ерга ҳам лалми ғалла экилмаган. Экилиши керак бўлган уруғлик донни хўжалик раҳбарлари «туя кўрдингми? Йўқ!» қабилида ўзлаштириб юборганлар.

Маълумки, 1996 йилнинг баҳори деярли ёғинсиз ўтди. Лалми ерларда ғалладан мўлжалдаги ҳосил олинмади. «Наврўз»да ҳам худди шундай бўлди. Лалми ерга экилган дон уруғлик харажатларини ҳам қопламади. Ўтган йилнинг кузи ҳам қурғоқ ўтганди. Чамаси хўжалик раҳбарлари 1997 йилнинг баҳори ҳам ёғинсиз ўтади, лалми ерга экилган дон барибир униб чиқмайди, деган хом хаёлда у ерга экилиши керак бўлган уруғлик донни эгри қўл билан ўзлаштириб юборганлар.Демак, 176,4 тонна ғалла халқимиз дастурхонига етиб бормайдиган бўлди. Эгри қўл ўзи шундай бўлади. Ўз олдида турган насибага қаноат қилмай, доим одамларнинг, халқнинг ризқига эгричасига чўзилиб кетаверади.

Энг қизиғи, «Наврўз»да «лалми ер» дейилган майдоннинг маълум қисмига аслида лотоклар тортилган. Унинг кичик бир қисмида ижарачилар ўтган йил пиёз, кузда пиёз ўрнига ғалла экиб, лотокдан суғорганлар. Ҳозир шу парча ерда ғалла майсаси жуда яхши ривожланмоқда. Энди ўйлаб кўринг, маълум бир бўлак ерда ям-яшил майса бўлса-ю, унинг атрофи, унга туташ лалми ер бегона ўт ва буталарга қопланиб ётса! Бу ерда хўжалик раҳбарларининг уқувсизлиги, манфаатпарастлиги беркиниб ётгани йўқми? Ёки пиёз экадиган ижарачилар хўжалик раҳбарию-мутахассисларидан ҳам уддабуронроқмикан?! Экилмаган экиннинг устидан пул олиш динда ҳам, диёнатда ҳам жиноят ҳисобланган ва жазоланган.

ЙИҚҚАНДАН ҚЎРҚМА, ЕГАНДАН ҚЎРҚ

«Наврўз» хўжалиги Абдулла Турсунов номидаги хўжаликдан 1990 йил март ойида ажралиб чиққан. Ўшанда хўжаликда 400 дан ортиқ зотдор қора мол, 300 дан ошиқ қўй, 3 мингга яқин парранда бор эди. Чорва — улуснинг бойлиги. Моли борнинг кўнгли тўқ, дейилади. Афсуски, «Наврўз»да халқ ўзининг шундай бойлигидан ажралиб, хўжалик хазинаси бўшаб бормоқда. Чунки унинг «тўрва»си тешик. Емхўр от тўрвани тешиб қўйган.

Хўжаликда 300 дан ортиқ қўй бўлим бошлиқлари Т. Жумаев, М. Шерматов, ижара бошлиқлари ва ҳатто комбайнчилар номига сохта ҳужжатлаштирилиб, еб юборилган. Бу «чиқим»лар касаба уюшмаси раиси Чори Ҳасанов томонидан сохта «ҳужжатлаштирилган». Шуни айтсалар керак-да, ўзи тўйса ҳам кўзи тўймайди, деб. Қора молу парранданинг саноғидан ҳам барака қочган.

Хўжалик меҳнаткашлари учун тарқатилиши лозим бўлган ёғ тақсимотида ҳам жуда катта адолатсизлик мавжуд. Шу борада — ўз ҳақини талаб қилиб, ёғни ўз уйида сақлаётган Ҳайит Пўлатовнинг (қизиқ, у боғчада экспедитор бўлиб ишласа-да, хўжалик ёғи унинг уйида сақланади) уйига борган пенсионер Абдурайим Ҳаққулов Ҳ. Пўлатовнинг акаси Саид Пўлатов ва Мурод Азимов томонидан калтакланади. Хўжалик меҳнаткашларига тарқатилиши керак бўлган ёғ нега хўжалик омборида эмас, бир кишининг уйида сақланади? Негадир бош ҳисобчи Улаш Қурбонов хўжаликка келтириладиган ёғ, шрот, шелуха учун хўжалик экспедитори Хўжаназар Холиқов номига эмас, хўжалик аъзоси бўлмаган Баҳодир Ибодов номига 1996 йилнинг 2 декабридан буён далолатномалар тўлдириб беради. Бундай йўл тутилишида ҳам хўжалик раҳбарларининг қонун ва тартибларга қарши бориши, манфаатпарастлиги очиқ-ойдин кўриниб қолади.

МУДРОҚ БОСГАН «РАҲБАРЛАР»

Эгасизлик туфайли ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашмоқда. Экин майдонлари ишдан чиқиб қолаётир. Ер ости қувурлари ишламайди. Шўр тобора тупроқ юзасига кўтарилмоқда. Арабқўрғон массивига яқин майдонлар ана шундай жой бўлиб қолди. Бош ҳосилот Х. Омоновнинг уқувсизлиги туфайли деҳқончилик экинлари тўғри жойлаштирилмаган.

Қишлоқ хўжалиги техника ва механизмларининг кучидан оқилона фойдаланиш борасида шу йилнинг март ойидаги Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори деҳқонларимизга катта мадад бўлди. Бироқ, хўжалик бош муҳандиси Э. Шеровнинг ишни тўғри ташкил эта олмагани сабабли кузги шудгорлаш ишлари кечикди ва чала қолди. Баҳорги экиш ишлари ҳам кечикадиган кўринади.

«Наврўз» билан «А. Турсунов» жамоа ширкат хўжаликларининг ери, суви, табиий шароити бир хил. Такрор бўлса-да, айтайлик, лекин икки хўжаликда аҳвол бутунлай бошқа-бошқа. Бунга сабаб «Наврўз» раҳбарларининг ишни тўғри ташкил эта олмаганлигидир, холос.

Ғузор тумани ҳокими Бегимқул Эшқобилов, шубҳасиз, хўжаликдаги мавжуд аҳволдан жуда яхши хабардор. Шунга қарамай, хўжалик меҳнаткашларининг шикоят-аризасида ёзилишича, хўжаликнинг йиллик ҳисобот йиғилишида туман ҳокими Бегимқул Эшқобилов: «Менинг ишдан бўшатадиган раис, агроном ёки ҳисобчиларим йўқ, улар билан келишиб ишланглар» — деб айтган.

Хўжалик пул тарқатувчиси (кассир) Алимардон Қаҳҳоровдан ҳам кўпчилик шикоят қилади. У эгаларига тарқатилаётган пулларнинг ҳатто ярмини ўзи олиб қолаётган экан. Қойил-е! Оддий «кассир»нинг юраги ботирлигини қаранг! Ажабки, иш ҳақини сўраб мурожаат этаётганларни раис ҳам, кассир ҳам уришиб ҳайдаётган экан!

ҚИШЛОҚ МАНЗАРАЛАРИ

«Мен Қудиров Ҳасан, сувчи бўлиб ишлайман, 1996 йилда меҳнат ҳақимга 800 сўм олдим, холос. Ўтган йилдан қолган ва 1997 йил маошимни ололганим йўқ. Уч фарзандимга оладиган болалар пулини ҳам 1996 йилнинг биринчи чорагидан кейин ҳанузгача ололмадим». Афсуски, бу ерда шу тахлитдаги шикоятлар оз эмас.

Хўжаликда ҳаммом йўқ. Битта сартарошхона, битта пойабзал тузатиш устахонаси мавжуд, холос. Маиший хизматнинг бошқа соҳалари ғўёки унутилган. Қишлоқлар газлаштирилмаган, водопроводлаштирилмаган. Шу туфайли аҳоли бир «бедон» сувни 200-250 сўмга, битта газ балонини 100-200 сўмга сотиб оляпти. Оқибатда аксарият қишлоқ хонадонларининг куни яна ўчоққа қолган.

Қўғубхоналар, клуб қаровсиз аҳволда. 900 ўринли икки қаватли болалар боғчаси икки-уч ой ишлагач, уч йилдан буён берк турибди. Хўжаликда 1997 йил учун биронта ҳам матбуот нашрига обуна бўлмаган!

«Наврўз»ликлар ортиқ бундай вазиятда қолишни исташмайди.

НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Бу саволга ҳам «Наврўз»ликларнинг ўзлари жавоб беришади. Улар, бизга маҳаллий шароитни яхши биладиган, тупроғимизга гуллар, кўчатлар ўтқазишдан мамнун бўладиган раҳбар керак дейишади. «Наврўз»да шундай мутахассислар оз эмас. Уларга ишлаш учун имкон берилса, бас. Аҳоли эса ўз меҳнатидан рағбат олсин. Халқ билади. Ўзига керакли раҳбарни ўзи сайлайди. Ахир, жамоа-ширкат хўжалигига раҳбарлар тайинланиши эмас, уларни аҳоли сайлаши керак-ку. Маҳаллий шароитни, муҳитни биладиган раҳбар қаерга нима экин экишни, қай тупроқда қай уруғ мўл ҳосил беришини, қолаверса, шу ернинг одамларини ҳам яхши билади. Шунда «Наврўз»дагидек хўжасизликка йўл қўйилмайди. Нима бўлганда ҳам «Наврўз»ликларга емхўр от эмас, аравани ботқоқдан олиб чиқа оладиган кучли «от» керак.

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

«ОТИ ЙЎҚ»НИНГ ВАСВАСАСИ

МДҲнинг бугунги сиёсий манзараси ҳақида ўйлар

Қари бор уйнинг зари бўлади, деб бежиз айтмаган эканлар. Бундан йигирма йиллар бурун бувим раҳматликдан (жойлари жаннатда бўлсин!) эшитган кўп сўзлар, аниқроғи фикрлар мағзини энди тушуняпмиз. Шу маънода бувимларнинг бир танбеҳларини эсламай илож йўқ. Ўша замонларда эски шаҳар хонадонларидан чаён чиқиши оддий ҳол ҳисобланарди. Табиий равишда бу ҳашарот номи ҳам ўша маҳаллалар луғатида, айниқса биз каби болалар оғзида ҳар ҳолда тез-тез жаранглаб турарди. Ўшанда бувим раҳматлик, «ҳай, байталмонлар, отини айтмаларинг, оти йўқ деларинг», дея куюниб уришардилар бизларни. Биз ҳам уларни кўймасдан, «нега, нега», деб сўрайверардик. Шунда улар «Болам, ҳеч қачон отини айтманглар, эшитиб қолса, етти қават ер тагидан бўлса ҳам чиқади» дердилар. Биз кулардик.

«СССР» номидаги «эски кулба» қулаганига олти йил бўлай деб қолганига қарамай, унинг собиқ ҳудудида бу «кулба»нинг асл номини айтишда чаёндан қўрқишдай ҳадик борлиги бугун бор гап. Албатта, бу танқиддан Ўзбекистонимиз мустасно. Зеро, 1991 йилнинг 31 августида юртбошиси тимсолида ўзбек халқи «СССР»га берадиган баҳосини берган. Унинг Ўзбекистонни мустамлакага айлантирган империя эканлигини очиқ-ойдин айтган. Ўтган йиллар давомида ҳам бу борада иккиланишлар бўлгани йўқ. Аммо қарамлик азобини биз билан баробар, баъзи жиҳатлардан олганда, бизга нисбатан оғирроқ тортган баъзи ҳамдўстлик давлатларнинг «эски кулба»га ва унинг бугуни, эртасига муносабатини эшитарканмиз, негадир бувимиз айтганлари эсга тушади. Дангалига айтиб қутилиб қўя қолса бўлмайдими, ахир ойни этак билан ёпиб бўлмаслиги аёнку, деб ўйлаб қоласан. Бунинг ўрнига эса «Давлатлар иттифоқи», «Евроосиё» каби янгича ном ва чақириқларни эшитасан киши. Қизиғи шундаки, унисининг ҳам, бунисининг ҳам барпо этилиши лозим бўлган макон битта — МДҲ ҳудуди. Белорусь раҳбари «суверен қардош давлатлар иттифоқи»ни тузайлик деб зўр берса, Қозоғистон Президенти «Евроосиё» бўлсин дейди. Тўғри, ҳар бир мустақил томон ўз фикрини айтишга ҳақли. Лекин Ҳамдўстликда улардан ташқари яна бир қанча давлатлар ҳам бор-ку? Ҳамманинг номидан сўз айтиш оддий одобга тўғри келмаслигини ёдда тутиш керак, ахир.

Ҳай, майли, шундай бўлса ҳам, келинг ана шу «таклифлар»ни бироз таҳлил қилиб кўрайлик.

Лукашенконинг мақсади аниқ: «эски кулба»ни тиклаш. Шу йилнинг 16 мартида Минскда ўтказилган «СССР халқларининг III конгресси»да, жумладан у шундай деган: «Бу ерга сизларнинг ҳузурингизга келганимнинг сабаби шундаки, мен ҳам жонажон Белоруссиямнинг кўпчилик(?) фуқаролари қатори суверен қардош давлатларнинг янгиланган қудратли иттифоқини барпо этиш тарафдориман... Чунки бизнинг умумий уйимиз, ягона ватанимиз — Совет Иттифоқи бор эди». Демак, у «СССР»ни тиклаш тарафдори. Шу ерда ҳақли савол туғилади: нега унда 1991 йили белорусь халқи мустақилликни ёқлаб чиқди? Олти йил ўтиб яна эски тузумни тиклаш учунми? Бу мантиққа, белорусликлар шаънига қарши ҳаракатни қандай баҳоласа бўлади? Ҳар бир инсонда бўлганидек, ҳар бир халқда ҳам лафз дегани бўлиши керакмасми?! Ё бўлмаса, бошқа бир фактни олайлик. Ғарб оммавий ахборот воситаларининг берган хабарига кўра Лукашенко ҳукумати Шушкевичга қарши жазо тадбирларини қўллаган. Шушкевич — Белорусни мустақилликка олиб келган, мустақил Белорусь давлатининг биринчи раҳбари. Унга ҳайкал қўйиш ўрнига (аминмизки, келажакда шундай бўлади ҳам), жазоланса. Нима учун денг? Россия билан иттифоққа қарши намойишда иштироки учун. Худди шунингдек, 2 апрель куни ўз миллатлари озодлигини ҳимоя қилиш ниятида кўчага чиққан белорусларга нисбатан ҳам жазо кучлари ташлангани, матбуот намояндалари, жумладан, чет эллик мухбирлар ҳам калтак остида қолганлари маълум. Буларнинг ёнига қонуний йўл билан сайланган парламентни Лукашенко томонидан тарқатиб юборилгани, собиқ депутатларни таъқиб қила бошлаганини қўшсак, бугунги расмий Минскнинг асл башараси кўринади-қолади. Ажабланарлиси шундаки, Лукашенкони оқлаш ниятида баъзи бир россиялик намояндалар «нима қилибди, ўз вақтида Ельцин ҳам парламентни тарқатиб юборган, ҳатто ўққа тутган ҳам» қабилидаги далилларни келтиришга уринмоқдалар. Агар уларнинг қарашлари тўғри бўлса, бундан чиқди Ельцин ва Лукашенко ўртасида ҳеч бир фарқ йўқ эканда? Лукашенко Москва сиёсатини давом эттираётган эканда? Мазкур саволга «ҳа, худди шундай» демай илож йўқ. Чунки, 2 апрель куни Лукашенко билан ёнма-ён ўтириб икки давлат иттифоқи шартномасига имзо чеккан, сўнгра чўлпиллатиб ўпишган Ельцин эканлигини бутун дунё аҳли ойнаи жаҳон орқали кўрди. Хуллас, президентликка сайлангунга қадар совхоз директори бўлган Лукашенко «ғояси» равшан — империяни тиклаш йўлида Москва қўллаётган илк чора-тадбирларга хизмат қилиб бериш. У ёғига худо пошшо.

Кейинги ғоя — «Евроосиё»га келсак, буниси мураккаброқ. Чунки, бир томондан, уни кўтариб чиққан — ўзимизнинг қардошимиз, қозоқ халқи етакчиси бўлса, иккинчи томондан, Н. Назарбоевни собиқ империяни тиклашга хизмат қилишда айблашга тил бормайди. Юқорида мустамлака азобини баъзи жиҳатлардан олганда биздан кўра ҳам кўпроқ тортганлар борлигига ишора берганимизда, айнан, қозоқларни назарда тутгандик. XIX асрдан то сўнгги юз йилликнинг 60-йилларига қадар Москванинг мустамлакачилик сиёсати оқибатида озмунча қозоқ қирилиб кетдими. Биров беш миллион дейди, биров ўн миллион. Қандай даҳшат! Қозоқ олимларининг айтишларича, Қозоғистон даштларини ўзлаштириш баҳонасида сон-саноқсиз маҳаллий аҳолини нобуд қилган, сўнгра бу ерларга русларни кўчириб келтирган Н. Хрушчев «Сталин ўттиз йилда қилолмаган ишни, мен уч ойда қотирдим» дея мақтанган экан. Шу билан бирга адолат юзасидан айтганда, бу иш билан фақат Сталин ё Хрушчев шуғулланмаган. Бу жараён ибтидоси аслида XVIII асрнинг 30-йилларига, илк бор қозоқлар ўз мустақиллигини йўқотган даврларга бориб тақалади.

XVIII аср ўттизинчи йиллари бошларида Кичик жуз хони Абулхайр эл-юрт розилигини олмай Россияга тобеликни бўйнига олади. Ортиқча уринишларсиз мақсадга эришган метрополия фурсатни қўлдан бермай тегишли тадбирларни бошлаб юборади. Бу борадаги 1734 йил 18 майда тузилган йўриқномада, жумладан, шундай дейилганди: «Қозоқ эли бебош, ўз хонларига бўйин эгмаслиги сабаб, уларни қаттиқ назорат остига олмоқ лозим ва уларни бўйсундириш йўлида вазиятга қараб қўрқитиш ё мукофотлар билан сийлаш усулларидан фойдаланиш керак». 1742 йилги бошқа бир йўриқномада келтирилганлар ҳам қизиқ: «(рус маъмурияти) ҳузурига келадиган қозоқ оқсоқоллари ва умуман қозоқлар билан хушмуомала бўлинг, агар бирон нимага эҳтиёжлари бўлса, бирон нарса илтимос қилсалар, иложи борича қондиришга ҳаракат қилинг». Россия империяси ташқи ишлар коллегиясининг мазкур йўриқномасида қайд этилишича, «айниқса қозоқ хонлари ва уларнинг фарзандларига назокат ва эркалатиш» ила муносабатда бўлиш талаб қилинган. «Назокат ва эркалатиш»га (учтивость и приласкание) эса пул ва буғдой билан мукофотлаш, қимматбаҳо мўйна, мовут билан сийлаш, медаллар, қилич туҳфа қилиш, қозоқ хонлари, султонлари, оқсоқолларини Оренбургда дабдаба билан кутиб олиш ва ҳоказолар киргани ҳам маълум.

Россиянинг Қозоғистонга нисбатан олиб борган мазкур айёрона сиёсатидан мақсад ҳам аниқ. Уни ўз вақтида Петр I қуйидагича белгилаб берганди: «Шарқ билан муносабатларда (яъни, ўзбек хонликлари, Хитой, Афғонистон ва Ҳиндистон йўналиши назарда тутилмоқда — А.З.) қозоқ ерларини эгаллаш калит ва дарвоза ҳисобланади. Шунинг учун ҳам миллионлаб пул сарфланса ҳам қозоқ юртларини бўйсундириш ёки ҳеч бўлмаганда у ерда Россия таъсирини ўрнатиш зарурдир». Мазкур сиёсатни изчил йўлга қўйиб бораркан, Россия дилида ҳеч қачон ўз тобелари бўлмиш қозоқ хонларига ишонч билан қарамаган. Шунинг учун ҳам тобе хонларнинг ўғилларини омонат сифатида Россияга юборишларини талаб қилган. Яъни, ўғилларини гаровга ушлаб, оталари тилини қисиқ, қўлини калта қилиб қўйган. Бу ҳолат ўз ўрнида баъзи бир ҳали эркини бермаган қозоқ султонлари нафсониятига қаттиқ теккан. Шу ўринда биринчи бўлиб Россия домига тушган Кичик жуз хони Абулхайрнинг 1745 йили рус императорига ёзган ноласи диққатни тортмай қолмайди: «Менинг устимдан ҳатто дўстларим кулишяпти, душманларим эса шундай иғво тарқатаяптилар: сахтиён тери ва кармазин мовут учун ўглини (омонатга) бериб қуйибди-я».

Хуллас, ўтган 260 йил давомида қозоқ халқи бошидан не савдолар ўтмади дейсиз. Уларнинг бари Россиянинг бу мамлакатга нисбатан тутиб келган империяпарастлик сиёсатининг амалий маҳсулидир. Буни бугун қозоқ биродарларимиз ҳам яхши биладилар. Эндиги мустақиллик шароитида ўтмиш саҳифаларини эсда тутиш фойдадан ҳоли эмас, деб ўйлаймиз. Хусусан, «Евроосиё» ғоясини илгари суришда. Тўғри, гап сиёсий тузилма ҳақида кетаётгани йўқ. Фикрни яхши англаган бўлсак, у иқтисодий ҳамкорликнинг қандайдир юқори босқичини назарда тутмоқда. Бироқ умумий ва яхлит иқтисодий макон вақти келиб яхлит сиёсий тузилмага асос бўлиши ҳеч гапмаслигини ҳам унутмаслик керак. Яна ўша тарихга қайтсак. Кичик жузни қўлга олгандан сўнг Россия қолган Ўрта ва Катта жузларни ҳам ўзига тобе этиш учун аввал қатор иқтисодий-савдо тадбирларини амалга оширгани ва уларга суяниб, масалан юз йилдан сўнг (XIX аср 40 йиллари) Катта жузни ҳам қўлга киритгани маълум.

Балким, «Евроосиё»дан мақсад МДҲдаги ҳар бир мамлакат имконидан ҳар бир томон учун кенгроқ фойдаланиш ишдан иборат бўлиб, бу борада Ҳамдўстликнинг бугунги кўринишдаги тузилмасидан қониқмаслик билан боғлиқдир. Қозоғистон раҳбарининг сўнгги вақтлардаги МДҲни ислоҳ қилиш тўғрисидаги баъзи баёнотлари ҳар ҳолда шундан далолат бермоқда. Аммо улар қанчалар асосли?

МДҲ тузилмасига оид унинг танқидий-таҳлилий қарашларини уч қисмга бўлиш мумкин. Биринчисига кўра, МДҲ раҳбар идораларининг айримларини Ҳамдўстликнинг Осиё қисмига кўчириш даркор. Таклиф маъқул дейлик. Хўш, қаерга? Тожикистонгами? Йўқ. Туркманистонгами? Яна йўқ. Қирғизистонгами? Қандай бўларкин? Ўзбекистонгами? Бунга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Демак, Қозоғистонга. Ҳар кимнинг ўз хоҳиши. Аммо, бизнингча, бунинг бир қалтис томони бор. Худди ўз пайтида Шарқий Қозоғистонда мустаҳкам ўрнашиб олиш учун 1734 йили «Известная экспедиция» номи билан махфийлаштирилган ва амалга оширилган тадбирлар қайтарилиб қолмасмикан? Бу марказ қозоқ казаклари ва бошқа «норозилар» учун ҳуқуқий таянч нуқтасига айланиб қолмасмикан? Шунингдек, бундай «ўйин» қилаётганда, қўшни осиёликлар райини ҳам инобатга олиш вожиб кўринади.

Кейинги таклиф МДҲнинг барча раҳбар ва назорат тузилмаларини ўзгартириш билан боғланмоқда. Сабаб қилиб Ҳамдўстлик Низомини бажармаётганларга нисбатан мазкур тузилмалар, идоралар бирон марта чора қўлламаганликлари кўрсатилмоқда. Фикримизча, бу ҳам хом гап. Чунки, биринчидан, Ҳамдўстлик Низоми бир чеккада турсин, эллик йиллик БМТнинг Низомига вақти келганда риоя қилинмайди. Иккинчидан, ёндашув эскича. Коммунистик Низомга риоя қилиш касали. Беркитишнинг ҳожати йўқ, ўша «коммунистик устав»га ҳам қойиллатиб риоя қилинмасди. Учинчидан, реал олинганда, Ҳамдўстлик доирасида ҳеч ким бирон томонга нисбатан Низомга асосан жазо қўллай олмайди. Акс ҳолда арзимаган нарсадан ўзаро келишмовчилик чиқиб, сўнг ҳамманинг жазосини Москва беради. Ўзаро ишонч бўлмаса, бир Президентнинг иккинчисидан кўнгли тўқ бўлмаса, бари беҳуда.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Ва ниҳоят, сўнгги таклифи — МДҲнинг таъсис ҳужжатларини қайтадан кўриб чиқиб, уларни жаҳон тажрибаси асосида, масалан Евроиттифоқи намунасида ишлаб чиқиш. Бу энди ниҳоятда қалтис таклиф. Бугун Россия-Белорусь иттифоқидан сўнг МДҲ парчаланишига бир баҳона етмай турибди. Ҳатто шундай иш бошланганда ҳам янги низомда ўтган йиллар мобайнидаги бир қатор ўзгаришларни инобатга олишга тўғри келади. Чунончи, Марказий Осиё иқтисодий иттифоқидан Россия-Белорусь сиёсий иттифоқигача, Қора денгиз можарасидан Каспий муаммоларигача ва ҳоказо. Хуллас жараённинг ўзида келишмовчиликлар бошланади. Европа Иттифоқи тажрибасига келсак, бу бажарса бўладиган иш. Фақат бир шарти бор: давлатлар аро муносабатларда аввал европача тафаккур қилиш даражасига кўтарилиш керак. Умуман олганда эса, қоғозбозлик билан Ҳамдўстлик олға қараб юрмайди. Ташқи безак, сиртқи дабдаба масала моҳиятини белгилаб беролмайдиган замонда яшаётганлигимизни ёдда тутмоқ лозим. Қанчалар мураккабликларга бой бўлмасин, МДҲдаги бугунги аҳволни табиий деб билмоқ керак. Бир неча ўн йиллар, асрлар давомида метрополия-мустамлакалар муносабатлари ҳавоси билан нафас олиб келган ва тамомила ўзгача мақсадлар, яъни озод ва обод ҳаёт қуриш йўлига кирилганига энди олти йил тўлаётган ҳудуддан бундан ортиғини талаб қилиб бўлмайди. Ҳамдўстлик ишламаяпти, дегувчиларнинг бир хатоси бор. Улар ё Ҳамдўстликни олдинга қўйиб у орқали мустақил давлатларга муносабат билдирадилар, ё бўлмаса мустақил давлатлар бошқа, Ҳамдўстлик бошқа деб тушунадилар. Ваҳоланки, МДҲнинг мазмуни жуда оддий — бир қанча мустақил давлатларнинг дўстларча ўзаро муносабатда бўлиши, бир-бировига ишониб ўз тараққиётини йўлга қўйиш. Ишончни туғдирадиган, дўстликни мустаҳкамлайдиган кундалик амалий ҳаракатлардир. Аввало ўзи учун, майли имкон топса бошқалар учун ҳам. Кимда-ким ўз уйида ишни қойиллатса, демак унинг назарида МДҲ ишлаяпти. Чунки унинг ўзи ишлаяпти. Ва аксинча, ичкарида иш юришмагандан сўнг сабаб бошқа ёқдан қидирилади. Шунинг учун ҳам асосий эътиборни иқтисодиётга қаратиш лозим. Пировардида масалани ҳал қиладиган ҳам худди ўша. Агар Белорусда иқтисодий ислоҳотлар, айтайлик ўша Россия даражасида бўлганида, аминмизки кечаги «иккилик иттифоқи» қарор топиши эҳтимоли паст бўларди. Чунки, иқтисодий муносабатлар қанчалар либераллашиб бораркан, ижтимоий ҳаёт ҳам шунга мутаносиб кетаверади. Маъмурий-буйруқбозлик усули ҳукмрон тизимни эса «кухарка» ҳам бошқариши мумкин. Шунинг учун ҳам дунёқараши совхоз директори даражасидаги одам бутун мамлакатни тамомила бошқа йўлга солиб юборди. Ё, тавба!

Белорусдан фарқли ўлароқ Қозоғистонда иқтисодий ислоҳотлар анча чуқурлашгани маълум. Агар оммавий ахборот воситаларига суянадиган бўлсак, бу мамлакат иқтисодий потенциалининг каттагина қисми Ғарб сармоядорлари қўлида мужассамлашган. Бу билан Қозоғистонга қудратли давлатлар манфаатларини олиб кириш ва улар омили орқали сиёсий мустақилликни муҳофаза қилиш нияти ҳам йўқ эмаслиги равшан. Аммо Қозоғистонда империяпарастлик ақидаларини амалийлаштириш учун ҳам етарли даражада қудратли омил бор. Бу демографик аҳвол. «Евроосиё» ғояси ана шу ҳолатни кўзгатиши ҳеч гапмас. Аниқроғи уни кўзгатадиганлар бошқа, ғоя баҳона бўлади, холос. Вақти келиб, Қозоғистоннинг шимолий қисмидагилар «Евроосиё» бўйича референдум ўтказамиз, деб чиқсалар нима бўлишини ҳам ўйлаш керак, ахир.

Хуллас, собиқ империя чаёни ернинг қайсидир қатламларида пайт пойлаб ётибди. Лукашенко «союз суверенных государств» (ССГ) деганда, «СССР» деб чақиряптими, дея келиб Белорусни чақди. Навбатдагиси ким бўлади?

Азамат ЗИЁ.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкент. Янги шаҳар».
9.05 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 4-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Деҳқон бозори».
10.30 «Эртаклар — яхшиликка етаклар», «Малика ва Шаҳзода».
11.05 «Алпомиш авлодлари». Эркин кураш бўйича чемпионат якунлари.
11.35 Жаҳон Саломатлик кунига. «Сиҳат-саломатлик».
11.55 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.25 «Оқ кема». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар клуби.
18.45 Дилнавоз садолар.
18.55 «Табаррук қадамжолар». Амир Темур ғори. 1-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 А. Орипов, М. Бафоев. «Ҳажнома». Оратория.
22.00 Катталар учун эртак.
22.20 Дилнавоз садолар.
22.35 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Олтин нафас». Кийик ҳақида ривоят.
00.15 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Компьютер-Осиё».
18.55 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.15 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.15 Кундалик.
22.20 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.30 «Спорт қитъаси».
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.50 — 24.00 Кундалик.

III

17.10 Янгиликлар.
17.15 Эълонлар.

*

17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Кругозор». Тележурнал.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Каран». Бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон).
23.05 — 23.10 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.40 «Дидар».
20.10 «Жаҳон».
20.30 Кечки сеанс. «Шарпа». Бадиий фильм.
21.30 «Сўз сизга».
21.45 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
21.55 «Авторейд».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.00 «Спорт-тайм».
23.30 В. Пресняков. «Севги, бу...»
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Лирик тароналар.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Тамойиллар».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.

*

12.00 «Пахтакор»чилар байрами.
12.25 «Финист — сар лочин». Бадиий фильм.
13.40 «Фармон ва ижро».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бозор услублари. Талаб ва таклиф».
18.30 «Алпомиш авлодлари». Миллий кураш бўйича Ат-Термизий хотира турнири.
18.50 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Табаррук қадамжолар». Амир Темур ғори. 2-қисм.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 ЎзТВ хазинасидан. А. Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 2-қисм.
22.25 Дилнавоз садолар.
22.45 «Альманах-ТВ».
23.15 «Замон».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 ТВ плюс...
18.50 «Спорт қитъаси».
19.00 «Олтин кент».
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.55 Кундалик.
23.00 «Авлодимиз».
23.15 ТВ плюс...
23.30 «Спорт қитъаси».
23.45 «Акс».
00.05 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
00.20 — 00.30 Кундалик.

III

17.10 Янгиликлар.
17.15 Эълонлар.

*

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Чўртанбалиқ амри билан», «Мовий денгизнинг оқ қўпиклари». Мультфильмлар.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Каран». Бадиий фильм. 2-серия (Ҳиндистон).
23.05 — 23.10 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
19.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Очиқ дарс».
21.15 «Игротека+оила».
21.45 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
22.00 Эълонлар.
22.05 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Америкага бир назар».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Рақслар гулдастаси».
8.45 «Альманах-ТВ».
9.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Олот». Премьера.
9.25 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Ассалом, япон тили!»

*

11.40 С. Пўлатов. «Оқ сарой». Шаҳрисабз шаҳар халқ театрининг спектакли.
13.30 «Муҳаббат наволари». Мусиқий композиция.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.25 «Шайтон малайлари». Бадиий фильм.

***

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Навбаҳор» (Наманган). «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.
18.50 «Алдар Қўса ва бой». Мультфильм.
19.00 Дилнавоз садолар.
19.05 «Табаррук қадамжолар». Амир Темур ғори. 3-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мавзу».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 ЎзТВ хазинасидан. Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналар.
22.35 Дилнавоз садолар.
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Алпомиш авлодлари». Миллий кураш бўйича Ат-Термизий хотира турнири.
00.15 Тунги тароналар.
00.30 — 00.40 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.05 «Зерикмай десангиз...»
19.15 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.50 Кундалик.
22.55 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
23.05 «Зерикмай десангиз».
23.15 «Спорт қитъаси».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20 — 00.30 Кундалик.

III

17.10 Янгиликлар.
17.15 Эълонлар.

*

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Оловли нигоҳ». Бадиий фильм. 1-қисм (АҚШ).
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Дунё ва болалар».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Тошкентнома».
20.40 «Автосалтанат».
20.50 «Азизим».
21.20 «Ҳамма кўриши шарт эмас».
22.00 Эълонлар.
22.05 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Мезон».
23.25 «Экстремал ўйинлар».
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мусиқа масканида бир кун». Премьера.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Тасвирий санъат.
11.00 Алифбо сабоқлари.

*

11.30 «Моҳитобоним, қайдасан». Мусиқий дастур.
12.00 Футбол шарҳи.
12.20 «Чодир жамол». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
12.50 «Маърифат» видеоканали.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.30 «Шайтон малайлари жиннлар тегирмонида». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 Дилнавоз садолар.
18.40 Акциядор луғати.
18.50 «Катта танаффус».
19.15 «Омонлик тилаймиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Инсон манфаатлари йили».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.40 «Одамлар орасида».
22.00 «Иймон».
22.20 ЎзТВ хазинасидан. А. Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 3-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Маком қуйлари.
00.15 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Компьютер-Осиё».
9.40 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.00 «Услуб».
10.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.20 «Олтин кент».
10.35 «Авлодимиз».
10.50 «Акс».
11.10 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
11.25 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
11.35 «Зерикмай десангиз».
11.45 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.05 «Яқинроқ тур».
12.35 «Дунё бўйлаб».
13.25 — 15.10 «Кинонигоҳ».

***

18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Сув ости дунёси».
19.20 Оҳанглар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «7 дан 70 гача».
21.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.45 Кундалик.
21.50 «Сехргар». Кўрсатув ва Эълонлар.
22.05 «Кинонигоҳ».
23.45 «Спорт қитъаси».
00.15 — 00.25 Кундалик.

III

17.10 Янгиликлар.
17.15 Эълонлар.

*

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Фарғонанинг мовий ҳалқаси», «Ала-Тау гулдастаси». Телефильмлар.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Оловли нигоҳ». Бадиий фильм. 2-қисм (АҚШ).
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.35 Болалар учун мультфильмлар.
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 «Онагинам». Шарофат Тожибоева.
21.10 «02» тўлқинида.
21.25 «Компьютер-ревю».
21.40 «Интер-спорт».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Ракурс».
22.25 «Минг бир маслаҳат».
22.40 «Коктейль плюс».
23.05 «Инспектор Фрост». Телесериал.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Пойтахт концерт залларида.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Катта танаффус».
9.40 «Ёшлик» студияси. «Эр давлати элида».
9.50 «Мозаика». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Сехрли оҳанглар».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Немис тили.
11.00 Китоб ва ҳаёт.

*

11.30 Ўзбек қўйларидан концерт.
12.00 «Замин фидойилари».
12.25 «Ўзбекистон спорти».
12.40 «Энг жозибали, энг латофатли қиз». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Ян

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 5-aprel, shanba № 41 (22.125).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ҲАР ВАРАҒИ МУБОРАК

Республикамизда илк бор босилаётган «Мусулмонлар тақвим-китоби»нинг мазмун-мундарижаси, мақсад ва вазифалари кўпчиликнинг диққат-эътиборини жалб этмоқда. Айниқса, «Тақвим-китоб» саҳифаларида келтирилаётган «Ҳадис»дан намуналар, имон-эътиқод, йирик-йирик шаҳарлар тарихи, тарихий обидалар, Пайғамбаримиз васиятлари-ю, авлиёлар ўгитлари, саҳобалар, уламолар, муҳаддислар-у муфассирлар, машҳур ҳаттотлар, валийлар, шайхлар, мумтоз адабиётимизнинг энг йирик намояндалари ҳаёти ва ижодларидан кичик лавҳалар, ривоятлар-у ҳикоятлар, «Ҳикматлар хазинаси»дан, Илоҳий мўъжизалар, «Табобат» илми»дан, «Миллий таом»лар, буюк алломаларимиз ат-Термизий, Имом Ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Алишер Навоий, Беҳзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, йирик мадрасалар, масжидлар тарихи, Ислом ақидалари, оятлар, суралар ва уларнинг тафсири каби кўплаб соҳалар билан китобхонларни таништириш, улар билан баҳраманд этиш мазкур «Тақвим-китоб»нинг асосий мақсадидир. Буларнинг амалга оширилишида, албатта, республикамиздаги энг йирик олимлар, ёзувчилар, шоирлар, амалиётчиларнинг жалб этилиши мақсадга мувофиқдир.

Кўпчиликни «Тақвим-китоб»нинг тўрт қисмга ажратилиб, бирин-кетин чоп этилиш сабаблари қизиқтириши мумкин. Бунинг асосий сабаби яхлит йиллик тақвимнинг варақларини йиртмай сақлаш қийинлиги, қолаверса, вақт ва маблағ танқислиги тўрт қисмни бир вақтда ёзиб тугатиш ва чоп этиш имконини бермаган эди. Аммо 1998 йилда ҳам ушбу тақвимни тўрт қисмдан иборат қилиб, босқичма-босқич чоп этиш ниятидамиз. Шоядки, халқимизга манзур бўлиб қолса, тақвим-китобни мунтазам давом эттириш мақсадимиз ҳам йўқ эмас. Бундан нафақат ношир, тақвимдан фойдаланувчи ҳам манфаатдор бўлишини амалда исботлашга ҳаракат қиламиз.

Китоб — содиқ дўст

Тақвим-китобнинг асосий мавзуси эзгуликка хизмат қилиш экан, илгари чоп этилган манбалардан фойдаланиш билан чегараланиб қолмай, замондош уламолар, ёзувчилар, шоирлар, олимлар, амалиётчилар ва барча қаламкашлардан бу ишда бизга кўмак беришларини илтимос қилиб, ҳамкорликка чорлаймиз.

Суннатулла РИЗАЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

«ИЙМОН НУРИ»

Бир замонлар дунёни ҳайратга солган алломаларимиз бугунги кунда ўлмас илмий-маърифий мероси билан жаҳон назарини ўзига ром этиб келмоқда. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср ал-Фаробий, Абу Мансур Саолибий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд аз-Замахшарий сингари буюк бобокалонларимиз Ўрта Осиёда, қолаверса Ғарб мамлакатларида илм-фан ва маданиятнинг жадал ривожланиши учун ижобий таъсир кўрсатганлар.

Яқинда «Ёзувчи» нашриёти чоп этган «Иймон нури» деб номланган китобда ана шундай қизиқарли ғоялар илгари сурилади. Рисола муаллифи, исломшунос олим Убайдулла Уватов олтин давр шодаларидан саналган ал-Бухорий, ат-Термизий, аз-Замахшарий, ан-Нафасий каби буюк аждодларимизнинг илмий-маърифий мероси ҳақида сўз юритади. Шу мўътабар тупроқда ўсиб-улғайган бу олимларнинг мулоҳазалари, бебаҳо мушоҳадаларга бой бадиҳалари содда талқин этилади. Бу китобда Оллоҳни ўзига дўст тутиб, ҳамиша унинг хаёли билан юрган, унга имон келтирган алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодиёти йўлидаги беназир маълумотлар муҳим ўрин олган.

Бахтиёр САЙЙИД.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи А. РЎЗИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0211

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.45.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Спорт

ТЕРМИЗГА ЧОРЛАНГАН ПОЛВОНЛАР

Бугун Термизда Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасоврини учун полвонлар ўртасида халқаро мусобақа бошланади. Учинчи марта ўтказилаётган анъанавий бу беллашувга тобора қизиқиш ортиб бормоқда. Мусобақа иштирокчилари сафи кенгаймоқда. Юртимизнинг барча ғушалари ҳамда МДҲ шаҳар-қишлоқларидан полвонлар келишган. 200 нафар курашчи бош соврин учун куч синашади. Ишқибозлар элимиз баҳодирларидан Рустам Эргашев, Эрали Маҳмарасулов, Баҳром Авазов, Муҳаммаддуст Тошев, Мерик Муҳаммадиев ва Армен Багдарасов каби йигитларга катта умид боғлашмоқда. Мусобақани ташкилий ва тадбирий жиҳатдан юқори савияда ўтиши учун пухта ҳозирлик кўрилган.

Ғолибларни ажойиб мукофотлар кутмоқда. Жумладан, Президентимиз мукофоти — «Нексия» енгил машинаси ўз эгасини кутмоқда. Шунингдек, вилоят ҳокимининг кучлиларга аталган «Дамас», «Камолот» жамғармасининг моҳир спортчига мулжалланган «Тико» енгил машиналарини кимларга насиб этиши ҳам купчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

«ПАХТАКОР»НИНГ БЕШИНЧИ ҒАЛАБАСИ

Севимли жамоа «Пахтакор»нинг 40 йиллик тўйи муносиб нишонланди. Фахрийлар жамоасининг «Қайрат» «отахон»лари билан учрашуви қизиқарли бўлди. Мухлислар бир пайтлар майдонда жавлон урган Любарцев, Зокиров, Штерн, Нортожиев, Суюнов, Солохо, Стадник, Исоқов, Абдураимов, Любушин, Басов, Иноятов, Иброҳимов ва Жалилов каби ўйинчиларни яна кўрдилар. «Қайрат» жамоасини эса Катков, Андорян, Сегизбоев каби таниқли футболчилар ҳимоя қилдилар. Ҳисобни эса меҳмонлардан Абгольц очди. Кейин Абдураимов оширган тўпни Юнусов дарвозага йўллаб, ҳисобни тенглаштирди. Танаффусдан кейин Жалилов «Пахтакор» ғалабасини таъминлади.

Оқшом чоғи эса бугунги кунда кўтаринки руҳда тўп сураётган «Пахтакор» билан «Сурхон» жамоаси майдонга тушди. Пахтакорчилар дарвозага учта жавобсиз тўп киритиб, мавсум бошидаёқ кетма-кет бешинчи ғалабага эришдилар. Кеча бўлиб ўтган ўйинлар натижасини ҳисобга олмаганда пахтакорчилар ҳозирча ягона пешқадам бўлиб туришибди.

Бугун I-лига жамоалари ўртасида иккинчи тур ўйинлари ўтказилади. Дастлабки учрашувларда эса «Шўртан», «Металлург», «Бўкалик», «Истиқлол», «Лочин», «Темир йўлчи», «Бағдод», «Ситора», «Гулистон» жамоалари ғалаба қозониб, учтадан очколик бўлишган эди.

ҒОЛИБЛАР ФРАНЦИЯГА БОРАДИЛАР

Республика шахмат ташкилоти ФИДЕга аъзо бўлгач, фаолиятимиз чегаралари ҳаддан зиёд кенгайиб бормоқда. Чунончи, болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон ва Осиё биринчиликларида қатнашадиган энг умидли вакилларимизни аниқлаш мақсадида республика биринчиликларини ўтказиш анъана бўлиб қолди.

Ана шундай мусобақаларнинг навбатдагиси куни кеча Қарши шаҳрида поёнига етди. Бу шаҳарда янги «Шоҳруҳ» клуби ишга туширилганлиги, унинг қошида шу номдаги болалар шахмат мактабининг фаолият кўрсатаётганлиги диққатга сазовор.

Саралаш мусобақаларининг ғолиби сифатида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон ҳамда Бухоро, Самарқанд, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Қашқадарё вилоятларидан тўпланган 50 дан зиёд ёш шахматчи беш гуруҳга бўлиниб, давра усулида ўзаро куч синашди. Ҳар бир тахтада олиб борилган ажойиб жанг манзаралари томошабинларга жуда манзур бўлди. Шатранжчилар орасида 8 ёшлиги ҳам, 18 ёшлиги ҳам бор эди. Айниқса, 10 ёшгача бўлган болалар ва қизларнинг жангини кузатиш кўпчиликда ҳавас уйғотди. Бу ёшдаги ўғил болалар баҳсида самарқандлик шахматчилар оиласи — Ҳамроқуловларнинг кенжаси 9 яшар Жўрабекнинг ғолиб чиққанлиги бежиз эмас, албатта. Жўрабек 10 имкониятдан 8,5 очко жамғарди. Шу ёшдаги қизлар ўртасида Чироқчи туманидан келган 9 яшар Сарвиноз Эргашеванинг ғолиб чиқиши кўпчилик, чунончи, қашқадарёликлар учун ҳам кутилмаган воқеа бўлди. Қишлоқда яшовчи бу қизчанинг шахматни ўрганганлигига атиги 3 йил бўлган бўлсада, унинг бу қадимий ақл-идрок ўйинига бўлган ҳаваси ва тиришқоқлиги ўз натижасини беряпти.

Шатранж оламида

12 ёшгача бўлган ўғил болалар турнирида тошкентлик ўқувчи Антон Филиппов ғолиб чиқди. У 11 имкониятдан 10 очко тўплади. Шу ёшдаги қизлар ўртасида эса тошкентлик Екатерина Корбут биринчиликни олди: 12 имкониятдан 7 очко. 14 ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида 9,5 очко олган тожикистонлик Азамат Доуримбетов, шу ёшдаги қизлар ўртасида эса 10,5 очко тўплаган тошкентлик Елена Левушкина биринчиликни олди. 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ғолиблик Иброҳим Ҳамроқуловга насиб этди. У 8 та очко жамғарди. Шу ёшдаги қизлар ўртасида эса унинг опаси Ирода Ҳамроқулова 12 имкониятдан 9 очко билан бошқалардан ўзиб кетди. Ниҳоят, 18 ёшгача бўлганлар турнирида сурхондарёлик Бегали Саидов бошқалардан яққол устунлигини намойиш қилди: 11 имкониятдан 10 очко! Шу ёшдаги қизлар мусобақасида 7,5 очко тўплаган чирчиқлик Севара Юсупалиева биринчи бўлди.

Мусобақанинг тантанали ёпилишига ташриф буюрган вилоят ва Қарши шаҳри раҳбарлари ғолибларга таъсис этилган қимматбаҳо совринларни топширар эканлар, бу ер республиканинг шахмат марказларидан бири сифатида шундай нуфузли мусобақалар ташкил этиб турилишини билдириб, иштирокчиларга муваффақиятлар тиладилар.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур туманидаги Саъдулла Исматов номли 141-мактабда «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилиб, у «Маърифатга элтувчи эшик» деб аталади. Ушбу марказнинг асосий мақсади ўқувчиларнинг бой маданий меросимиз, анъаналаримизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган.

Дастлабки машғулот Алп Жамол — Жамолиддин Асомиддиновнинг «Меҳрибонлар» асари асосида ишланган 5

МАЪРИФАТГА ЭЛТУВЧИ ЭШИК

қисмли «Тойчоқ» видеофильми муҳокамасига бағишланди.

Тадбирга маҳалла аҳли, мактаб ўқувчилари, мураббийлар, видеофильм ижодкорларидан режиссёр Мираббос Мирзааҳмедов, асосий ролларни ижро этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлардан Ғулчеҳра Саъдуллаева, Лутфулла Саъдуллаев, Алп Жамолнинг қизи журналист Манфаат Асомиддинова ва ўғли Муҳиддин Асомиддиновлар таклиф этилди.

Иштиёқманд ўқувчилар ва меҳмонлар ўртасида қизғин мунозарали суҳбат бўлиб ўтди.

141-мактабнинг «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этган бу тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди ва бугун ҳам Алп Жамол ижоди ёшларимиз учун бефарқ эмаслигини кўрсатди.

Тоҳир МУЛЛАБОЕВ.

Вниманию руководителей автопредприятий! Ташкентский филиал АО УзАСК «Йўловчи» предлагает запчасти на автомобили

ГАЗ-24
Автошины РАФ 185*15
Вилка сцепления
Вкладыши корен. рем
Вкладыши шатун. рем
Водяной насос
Втулки резьбовые
ГПГ (4 гильз.+ 4порш.)
Гайка М-16 (стремян)
Генератор Г-254
Головка блока Г-24-10
Диск ведомый Г-24
Катушка зажиг. Б-117
Коленвал Г-24 с вклад.
Крестовина
Отбойники зад. рес.
Панель задняя
Подшипник выжимной
Подшипник перед. ступ
Радиатор Г-24
Уплотнитель лоб.стекла
Уплотнитель (флаж. семер)
Уплотнитель (четверка)
Шаровые пальцы в сб.
Шкворня с подшипник
УАЗ
Кардан передний 452
Кардан передний 469
- ГАЗ-53
Блок шестерен КПП
Болт шатун. с гайкой
Вал первичный
Дверь
Диск сцепления Г-53
Замок двери
Капот
Карбюратор Г-53
Карзина Г-53
Крестовина
Крыло
Пластина Р-137, Р-133
Подшипник выжимной
Распред. зажиг. Р-137
Рычаг сцепл. с подшип
ГАЗ-52
Вал карданный
Вкладыши шатунные
Головка блока
Накладки сцепления
ЗИЛ-130
Балка перед. моста
Вкладыши компрессора
Вкладыши коренные
Вкладыши шатунные
Втулки шкворней
Капот
Кольца поршневые рем.
Крестовина в сборе
Маслянный насос
Накладки торм. перед.
Накладки торм. прицеп
Пальцы рул. тяги
Подшипник 7608 без обойм
Подшипник выжимной
Поршень с пальцами
Прокладка гол. блока
Ремень клиновый 1103
Рессоры перед., задн.
Сальник зад. ступицы
Синхронизатор 2-3 пер
Синхронизатор 4-5 пер
Сухарь-пальцы р.т.
Тормозная камера
Уплотн. трубы глушит.
Шестерня 1 пер. втор. в
Шестерня 2 -ой перед.
Шестерня 4 пер. втор. в
Шкворня
Шланг тормозной
ЗИЛ-131
Лебедка
Мост задний
Мост передний
Полуось
Редуктор задн. моста
Редуктор ср. моста
КАМАЗ
Подшипник выж. 9588214
Флиппер 260*508
Вкладыши коренные
Вкладыши шатунные
Водяной насос
ГПГ (8 гильз+8 порш.)
Генератор Г-273
Головка блока
Диск ведущий
Клапан двойной
Клапан тройной
Крестовина в сборе
Манжета 76 /80
Манжета КПП 1230/1238
Накладки тормозные
Плунжирные пары
Прокладка гол. блока с уп.
Прокладка клап. крыш.
Распылитель КАМАЗ
Ремень 8.5-8-1280
Ремень клиновой 1320
Ремкомплект ПГУ
Ремкомплект рег.давл.
Сальник зад. ступицы
Термостат ТС-107
Тормоз. камера перед.
Фильтр воздушный
Фильтр маслянные
Фильтр топливный
МАЗ
Балка передн. моста
Вал карданный 6422
Вкладыши шат. ЯМЗ-236,
Головка блока ЯМЗ-240
Крестовина в сборе
Мост перед. КРАЗ-214
Подшипник выжимной
Распылитель
Ремкомплект ТНВД
Синхронизатор 2-3 пер
Синхронизатор 4-5 пер
Шестерн. вед. борт. пер.
Шестерня ведущ. борт.
Шкворня с втул. МАЗ-200
Выключатель мас. ВК700
Генератор Г-273
Плунжер 1119073
ТНВД ЯМЗ-238
Фильтра топливные
ПРОЧИЕ
Автолампа А24-5-1
Болты М-10 L-150
Болты М-12 L-50
Гайка М-10
Головки блока А-01, Т-100
Ось прицепа 14 тонн
Пистолет заправочный
Подшипник № 108710
Подшипник № 108810
Подшипник № 180306
Подшипники № 203, 305
Стеклоподъёмник разные
Трос спидометра
Трос спидометра L-2. 5
Трос спидометра L-1. 5-1.6
Паранит ПМБ 0.8
Паранит ПОН 0. 4-1. 0
Слесарные инструменты более 15 наименований.

А также имеется в ассортименте более 300 наименований
АВТОШИНЫ 1200х 500х508
АСБОТКАНЬ АТ-1, АТ-3. САЛЬНИКОВАЯ НАБИВКА АП-31 -18 ММ, 13 ММ, 10 ММ. САЛЬНИКОВАЯ НАБИВКА АПР-18 ММ, 10 ММ.

Оплата по перечеслению и векселями по договоренности.
Адрес: г. Ташкент, ул. Айбека, 47.
Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-19. Факс: (3712) 54-76-31.

«АМИСКЭ» фирмаси

Россия заводларида ишлаб чиқарилган автомобиль ва қишлоқ хўжалик техникаси ШИНАЛАРИНИ, шунингдек УАЗ, ГАЗ автомобилларини, металлпрокатни СОТАДИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 7-уй, 302-хона. («Узгипроводстрой» илмий тадқиқот институти биноси)
Телефон: (3712) 41-13-52.

«УРУҒ» ФИРМАСИ

СУТ ОРИОМЕТРИ (АМТ-ГОСТ 18-481-81, 20° Цельций 1 кг/м³) ЁҒ ЎЛЧАГИЧ (ЖИРОМЕР)ЛАР (ТУ-25-2024019-1888)

СОТАДИ

Мурожаат учун манзилгоҳ: Чирчиқ шаҳри, 9-микрорайон, 32-уй. Телефонлар: (271) 2-38-41,5-08-86. Тошкентда: (3712) 44-31-25.

«ЭКОСАН» НАВОИЙДА

НАВОИЙ. Халқаро «ЭКОСАН» жамғармасининг «Саломатлик» поезди шу кунларда Қизилқум ораламоқда. 50 га яқин малакали тиббиёт ходими, санъаткор, маданият ва маърифат марказларининг ходимларидан ташкил топган бу поезд Учқудуқда бўлиб, кончи, саноатчи ва чорвадорларга моддий ва маънавий хизмат кўрсатди. Поездга 3 миллион сўмлик дори-дармон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва ногиронлар аравачалари ортилган. Бу нарсалардан учқудуқликлар баҳраманд бўлишди. Ёрдам поезди энди Томди, Конимех туманлари ва Зарафшон шаҳрига йўл олади.

Музаффар ШАРОПОВ.

"ЎЗБЕКБИРЛАШУВ"

"ЎЗМАТЛУБОТТАЪМИНОТ" уюшмаси

Украинада ишлабчиқарилган 10 кг.гача оғирликни ўлчовчи РН - 10Ц 13У рақамли тарозиларни



"ШАРП-А120- назорат-касса аппаратларини Нон маҳсулотлари ва турли пиширикдар тайёрлаш учун ШПЭСМ -3 шкафларини СОТАДИ.

Хак тўлаш шакли-пул ўтказиш йўли билан.
Телефонлар: (3712) 48-43-92, 48-15-21, 48-64-89.